


транспортни министрлиги юк ташиш автомобиллари транспортни коллективлари халқ хўжалик юнгарли ташиш туңғиз оялик планини муудатидан икин хафта илгари бажардилар. Юк обороти буйнча топириши 20 сентябрда, тахсимо топириши пасажир ташиш юзасидан топириши 18 сентябрда, автобусларда пасажирлар ташиш топириши 25 сентябрда бажарилди.

Республика автомобилчилари Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йилгини шарафига меҳнат вахтасида ишлагин давом эттириб, сентябр ойи охиригача пландан ташишга 7 миллион тоналдан кўпроқ юк ташишга қарор қилдилар.



ИВАНОВОЛИК СПОРТЧИЛАР МЕХМОНИМИЗ



Иваново ва Тошкент областлари спортчиларининг спартакиадаси дўстлик шiori остида ўтди. Спортчилар бир неча тур бўйича ўзаро мусобақалашиб маҳоратларини намойиш қилдилар. Суратларда: енгил атлетикачилар ва велосипедчилар стартада.

Ю. Гоголов фотолари.

ХБОРОТ Спорт

ДЎСТЛИК СПАРТАКИАДАСИ

Иваново ва Тошкент областлари спортчилари ўртасидаги дўстлик алоқалари йил сайин мустахкам бўлиб бормоқда. Областиимиз спортчилари ўтган йили Ивановога бўлиб, дўстлик спартакиадасида иштирок этган эдилар. Ушунда улар спортдаги ўз биродарларининг серкуш областиимизга тақдир этишган эди. Дўстлар тақдир билан областиимизга ташриф буюрган ивановолик спортчилар ҳозир азиз меҳмонимиз бўлиб туришмоқда.

Икки область спортчиларининг аниқлаш спартакиадаси Чирчиқда тантанали суратда бошланди. Уша кунини Ўзбекистон қаттиқ қотилмалар ва ўтга чидамли металл комбинати стадиони байрам либосини кийди. Ўрнатилган ранг-ранг байроқлар ва қирмиш алвонлар куз шамолда майин тебраниб турар эди. Иваново ва Тошкент областлари спортчилари музика садолари остида стадионда қириб келадилар: Чирчиқ шаҳри жамоатчилиги вакиллари уларни қизғин қўллайдилар.

Майдонда спортчилар паради бошланади. Чирчиқ гимнастикачилар, енгил атлетикачилар ўз маҳоратларини кўрсатадилар. Спартакиада давомда икки область вакиллари спортнинг енгил атлетика, гимнастика, бокс ва сузш турлари бўйича ўзаро куч сынашдилар. Областиимиз вакиллари Ириша Икболдана программани ваффа қилган адо этиб спартакиада тоғиб бўлди. Енгил атлетикачи Наталья Черноголова эса яқин 16 метр 37 сантиметрга яқин, республика рекординини қўйди.

Мусобақалардан сўнг меҳмонлар ва меҳмонлар ўртасида қизгин суҳбатлар бўлди. Улар Ўзбекистон қаттиқ қотилмалар ва ўтга чидамли металл комбинати спорт комплекси, Чирчиқ ГЭСи, Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозини спорт иншоотлари ва бошқа диққатга сазовор жойларни бориб кўрдилар. Областиимизда спортнинг қантарзда йўлга қўйилганини билан яқиндан танишдилар. Ивановолик меҳмонлар барча жойларда қизгин қарши олинди.

„МЕХНАТ“ ОЛИЙ ЛИГАДА

Митрофанов номли сув спорт саройида «А» класс ватерполчиларининг СССР чемпионати иккинчи бўлиб ўтди. Чемпионатда 6-та команда ўзаро куч сынади. Учрашуларни муваффақиятли ўтказган Минскнинг СКФФ командаси биринчи ўринни олди. Иккинчи ўрин учун кураш нисбатда қизғин ўтди. Харьковнинг «Локомотив», Москва ва Тошкентнинг «Динамо» ва Тошкентнинг «Мехнат» командалари иккинчи ўринга баравар интилдилар. Учрашуларнинг тўртасида голиб чиққан ва битта мусобақада дуранин натижага эришиб 21 очко тўплаган Тошкентнинг «Мехнат» командаси иккинчи ўрин насб бўлди. Командада ватерполчилари келаси йилда «А» классининг олий лига командалари билан мусобақалашиб ҳуқуқига эга бўлдилар.

Редактор ўринбосари:
Р. УМАРОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТА ТЕАТРИДА — 27/IX да Анна Каренина, 28/IX да Князь Игорь.

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IX да Олтин девор, 28/IX да Ҳаёт шони.

МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/IX да Замонали ва Омонали, 28, 29/IX да «Устозлар ва шогирдлар деган темада» «КУЛГИ КЕЧА-СИ».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЮРИИ ДУРОВ иштирокида «Дўстлик КАНОТИДА» ЦИРК ТОМОШАЛАРИ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА
Жаноб Септиминг ресторани — «САҒЪАТ САРОНИ», «САҒЪАТ», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).

Энг пок гуноҳкор — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 30 ПИЛЛИГИ» (куфут соатларда), «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун).

Апачлар — ХАМЗА НОМЛИ (тоғ соатларда), «НУКУС» (кундуз ва кечкурун).

Қишчи — РЕСПУБЛИКА «БИЛМЛАР УНИ» (12.00, 15.00).

Қайиш йўқ — С. РАХИМОВ номли, «КОМСОМЛ 30 ПИЛЛИГИ» (куфут соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ПИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Макенининг олтинлари — НАВОЙИ ПОМЛИ (кундуз ва кечкурун).

Аёл ва иблис — «МНР» (тоғ соатларда).

ЭЗГИ БИНОДА
Жаноб Септиминг ресторани — «ФЕСТИВАЛЬ».

Энг пок гуноҳкор — «ХИВА».

П. ОХУНБОВОВЕ
НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ЕШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИДА

27 СЕНТЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 4 ДА

ҚИРҚ САККИЗИНЧИ МАВСУМНИ «ОНА ЮРТИМ ОҚСОҚОЛИ»

(иқини пардали публицистика драма)

ЮБИЛЕИ СПЕКТАКЛИ БИЛАН

ОЧАДИ

СПЕКТАКЛЬ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И. ОХУНБОВОВГА ВА

Автор на сахналаштирувчи режиссёр — М. БОБОВЕ.

ХУРМАТЛИ ЭРТОҚ

1975 йил учун „ИЗВЕСТИЯ“ ГАЗЕТАСИГА ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА — «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларидан, алоқа бўлимларида, иш ва ўқуш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси

ДОИМИИ ИШГА ОФСЕТ ПЕЧАТНИКЛАРИ ВА ПЕЧАТНИК ШОҒИРДЛАРИ

Қозғаткичлар ва қирувчиларга шогирдлар, электрон усановчиларни соловчилар, тузатувчи-слесарлар, 5—6 разрядли тонари, юк ташиш лифтиларига лифтичилар, электропогрузна лифточи-юкчилар ва юкчилар, ёрдамчи ишчилар (транспорт), вахтёрлар, ён-гидан сайлаш учун ишчилар, қорувчилар

ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-й, надрлар бўлими.

Қайтадан очилаётган «ЗАРАФШОН» РЕСТОРАНИГА ВА

«ЕШЛАР УНИ» хузуридаги РЕСТОРАНГА

буфетчилар, сотувчилар, официантлар, электрчилар, механиклар, сантехниклар, идиш-товоқ ювувчилар, фарошлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, «Зарафшон» ресторани, надрлар бўлими (1, 4, 24, 48, 54-автотўсиш, 8, 10-троллейбусларнинг «Навоий» номли ку-тубхона» боқати).

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Индекс 64634

А—2840.

ҚЎЛИ ГҮЛ УСТАЛАР

Яқинда Ҳамза районига қарашли «Янгисоода» аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатида ўз меҳнати билан кўпчилик ҳурматиға сазовор бўлган қўли гүл усталар, чеварларнинг ишлари билан танишдик.

Комбинатда кўп йилдан буён ишлаб келатган бичиқчи-тикувчи Турғунон Тожиёва миллий кийимлар: костюм, кўйлақ, ўзи кийимлари тикитишнинг моҳир устаси экан.

— Турғуноннинг тиккан кийимларининг бири иккинчиси сира ўхшамайди, — дейди моделлар ательесига бош мастер Т. Абдуллаев. — Ҳар бир буюртмачининг ёнига, ҳоҳишига қараб, ўзинида бор ҳунарини, сийғатини ишлатиб, буюртмачиларнинг олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам бу тикувчининг буюртмачилари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Пиллик, оқлик планларини доимо ортиги билан адо этиб келишининг боиси ҳам шундан бўлса керак.

Салоҳиддин Нодиржонов ҳам массив аҳолисининг олқишига сазовор бўлган усталардан. 1965 йили алоқа техникумини битиргандан буён теле-ательеда хизмат қилмоқда.

— Бу ерда хизмат қилиш қийиндир, — дейди Салоҳиддин. — Ҳар кунини янги-янги кийимлар билан ўчирасан. Шунда уларнинг ҳар бирига қўлингдан келганча хизмат қилиб, қувонтиришга ҳаракат қиласан.

У Ҳамза район «Зангори экран» теле-ательесига келгандан буён планини ортиги билан бажариб келади. Қ. ТУЛЕВОВЕ.

УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ПАРТИЗАНЛАР ҲАҚИДА КИНОБАЛЛАДА

Могилёв областидаги Пасирево қишлоғи... Дарвоқе, кўпчилик уми Совет Иттифоқининг Ҳақрамони «Чекис» бригадаси 5-партизанлар отряди разведкачилари доворак бўлима командир Мамадали Топибадиев шарафига Топибадиевна қишлоғи деб айгилади. Фарғона водийсининг фарзанди азир уруш йилларида Белоруссия диёрида жанг қилди. Уни белорус аёл Анна Васильевна Рилькова ўғил қилиб олди. Анна Васильевна ярадор ўзбек жангчиларини фашистлардан қутқариб қолган эди. Унинг ўғли, кейинчалик жангда ҳалок бўлган Иван Мамадалиевнинг дўсти ва тутганин ишиси эди.

Улуғ Ватан уруши тарихи Белоруссия давлат музейи экспозициясида портлатувчи Екуб Холиқовнинг, комсомол-ёшлардан иборат кўпуровчи гуруҳи командири Ганитой Тошнбёзов ва бошқа ўзбек партизанлари кўрсатган жасорати тўғрисидаги материаллар сақланмоқда.

«Унутилмаган қўшиқ» деб аталган янги бадиий фильмнинг мазмунини ана шу тарихий воқеага асосланади. Бу фильм ҳозир Белоруссияда суратга олинмоқда. Кинолента белорус ва ўзбек партизанларининг гитлерчиларга қарши биргаликда олиб борган кураши тўғрисида ҳикоя қилади. Бу кинофильм немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабанинг ва Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланади. Бу фильм устида «Ўзбекфильм» киностудияси ҳам иш олиб бормоқда. Режиссёр-постановкачи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомолли мукофотининг лауреати Равиля Боттичуров киностудия ҳодимларининг катта ижодий гуруҳида Белоруссияда тўрт ойдан кўпроқ вақт мобайнида кинони суратга олиш билан банд бўлди.

Дмитрий Холендров ва Файзулла Хўжаев сценарийни асосида ишланаётган бу фильмда Мамадали Топибадиев билан унинг партизан дўстлари жанглар тарихини ҳолидан кўпгина эпизодлар тасвирланади. Улуғ Ватан уруши ҳужжатлари таъкидлаган Белоруссия партизанларининг кўпгина операциялари фильмда ўзининг бадиий ифодасини топади. Тошнбёзов экран орқали Ганна Максимовна билан ҳам танишади. Топибадиевнинг туту-

ган онаси Анна Васильевна Рилькова ана шу образга асос қилиб олинган.

Ўзбекистонлик кинематографилар Белоруссия Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтида, Белоруссия ССР, Фанлар Академияси тарих институтида, Улуғ Ватан уруши тарихи Белоруссия давлат музейида бўлиб, кўпгина қимматли маълумотлар ва маслаҳатлар олишди. Кинофильмни қўювчилар собиқ Белоруссия партизанлари билан учрашдилар. Улар ўзларининг хикоятларида Ўзбек дўстлари иштирокидан кўпгина жанговар воқеалар тўғрисида сўзлаб беринди. «Ўзбекфильм» киностудиясининг асарини яратишда Гомель яширин область комсомол комитетининг собиқ секретари Аркадий Денисович Рудак ва «Искра» комсомол-ёшлар отрядининг собиқ командири В. П. Дерябин маслаҳат бериб турдилар.

Суратга олувчи гуруҳга тўрт ой мобайнида бундан 30 йил аввал бўлиб ўтган воқеаларни яхшироқ гавдалантириш учун Белоруссиянинг кўпгина жойларида бўлди. «Беларусфильм» киностудиясининг натуран суратга олинган май-

дончаси — Минск яқинидаги Смолевичида босқинчиларга томонидан қишлоқларга ўт қўйиш эпизодлари, партизанлар лагерининг жанговар ҳаёти фронт линияси орқали Москвага ўтиш — Топибадиевнинг жанговар тарихини ҳолидан олинган ҳақиқий воқеа суратга олинди. Босиб олинган шаҳар ҳаётидан баъзан кўринишлар Молодечко шаҳрида суратга олинди. Суратга олиш ишлари Новогруд шаҳрида поёнига етказилди.

Бу ерда «ҳарбий аспирлар лагерини» яратилди ва урушдан кейинги йилларнинг азирини кўришлари суратга олинди.

«Унутилмаган қўшиқ» кинофильмининг асосий ролларида артист Рустам Саъдуллаев, «Беларусфильм» киностудиясининг артисти Светлана Суховей суратга тушдилар. Фильмда Янка Купала номли Белоруссия Академик театрининг, Белоруссия ССР Давлат рус драма театрининг артистлари, Москва театлари ва Белоруссия киностудиясининг артистлари иштирок этмоқдалар.

С. РАТГАУЗ, Белта-УзТАГ мухбири, Минск шаҳри.

СИРЛИ МАШИНА

ГАЗ—69 маркали автомашинанинг бўйиқ овози ва қиз боланинг «Ердам беринглар!» деб қиқирган индиси сукунат бағрини тилкалаб юборди. Тун сукунатини машина эшитининг қарсиллаб очилган овози ана ларзага солди.

Эшик очилиши билан бир қиз ўзини машинадан олди. Аммо унинг пальтоси ва бир оёғи машина эшигига илиниб қолган эди. Машина тўхтамади. Қизнинг сочлари ер суририб, кўйлари шалвирлаб осилганча суралди борди...

Зифадан кайташиб кўча бошида суқбатлашиб турган янгитлар қизнинг қиқиринган сергаклигиб қолди. Кейинги воқеани кўриб, ҳаммалари ердамга қопишди. Ахмадбек ва Нодир Худоберлар машинанинг олдини тўсиб чиқишди. Бирок, шофёр машинани тўхтатиш ниятида эмас эди. Янгитлардан икки-уч киши ўз ҳаётларини ҳаф остида қолдириб, абжирлик билан машина рулига осилиб олдилар ва уни тўхтатишга мажбур этдилар.

Қиз беҳуш эди. Уни Ахмадбекларнинг уйига олиб боришди. Дарров совуқ сув ва чой ичириб, ўзига келтиришди. Қиз ўзига келгани билан кўрқиб кетганиданми, ҳеч қандай дефмас, фақат дағ-дағ титраб эди.

Ниятига эришолмаган шофёрнинг кўзи қонга тўлиб, атрофдагиларга еб қўйгудек бўлиб қарарди. Оғиздан боди кириб, шоди чиқарди.

— Биласанларми, мен кимман? — деб дўқ урарди. Мени Собир дейишди! Қўшни маҳалларнинг қозиримон. Маҳаллаларинидаги Топибаева мени яхши таниди. Мушугулни пишт дейдиган одам ҳали оқсидан тугилмаган. Ҳаммангнинг уйингга ўт қўяман! Ендираман!

У оғзига келган сўзини қайтармасди. Дўқ-пўйиса билан, кишиларни қўчимоқчи, иложи бўлса қизни ана қайтариб олиб, қочиб кетмоқчи эди. Йўқ, ҳунари ўтмади. Шундан кейин лаблари пиритлаб тагин атрофдагиларни ҳақорат қилишга тушди. Сўнг бир-икки қадам машина томон юриб, уерда ўтирган қизни имлаб қакриди. Қиз дарҳол Собирнинг ёнига етиб келди ва латтага ўралган алқандарни нарсани унга узатди.

— Энди ҳамманг... ҳамманг... тўғназда оғиб ташлама! Уларнинг уш қўяман! Қизни олиб чиқаринг, ҳозир.

Ўқ товуши гўмбурлаб, туннинг бағрини ёриб ўтди. Атрофдаги одамлар саросимага тушиб қолдишди. Шу чоқ ўққа қарши отилган ўқдай кимнингдир овози жаранглаб, янгитларга далада берди:

— Спорт тўппончаси экан. Қўрқманглар, янгитлар. Ушланглар уни!

Янгитлар уни ушлашга ҳаракат қилишди. Бирдан Собирнинг кўлида ана бир нарсаятириб кўриди. Биринчи бўлиб унинг олдиға яқинлаш-

ган Илҳомбек Тоббев шу дамда инграбди йиқилди.

Илҳомбек қоридан пичоқ еган эди. Ҳамма жароҳатланган Илҳомбек билан бўлиб қолди. Пайтдан фойдаланган Собир машинани ҳам, ёнидаги қизни ҳам қолдириб, ўзи қочиб қолди.

Шундай қилиб 1973 йил 17 февраль кечасини 2-«Патилетка» маҳалласи безовалик билан ўтказди.

Ором ўғирис бўлган Собирнинг ўзи ким? Жабрланган қиз унинг қўлига қандай тушиб қолди? Машинадаги қиз-чи? У ким?

Асли воқеа бундай бўлган эди. Жабрланган қиз 16-трамвайда Раҳима деган қиз билан танишиб қолган эди. Раҳима Чорсу бекатига келганда уни араб-алдаб ўзи билан бирга олиб тушади. Соатингизни тақиб кўраичи деб, соатини қўлига олади. Кейин Собир Турсуновга одам юборди. Юрагига гўлгула тушган қиз уйда зарур иши борлигини баҳона қилиб, кетаманга тушади. Бирок, Раҳима хиралик қилиб, қизнинг соатини бермайди, кетишга йўл қўймади.

БИР ЖИНОЯТ ИЗИДА

Шу орада Собир Турсунов УзССР Геология министрилиги «Турани» иллий ишлаб чиқариш бирлашмасининг экспедициясига қарашли ГАЗ-69 маркали, 53—08 ТНГ номерли автомашинаси билан етиб келади. Қизнинг қаршилигига қарамасдан уни зўрлаб автомашинанига ўтказиб, Чиланзор массиви томон йўл олади.

Собир билан Раҳима қизни олдин 20-кварталдаги 21 уйда турувчи ИБ-роқимовнингга бўшлаб боришди. Сиртли ичкиликлар ва омак устида Собир «Бизнинг компаниямизга қўшма Собир, ўлдираниш» деб қизга тақдир солади. Қиз кўрқиб ўзини кўрқитиб қўйганидан номлоб уларнинг сўзини қайтара олмайди. Лекин, пайт пайлаб кўчага қочиб чиқади. Унинг қочганини сезиб қолган Раҳима ва Собир дарҳол қувиб ана тўтиб олишади. Яна зўрлаб машинага ўтказишади. Раҳима ва Собирдан ташқари энди икки янгит ҳам пайдо бўлган эди. Улар номалўм бир жойда тўхтаб, Собирга латтага ўралган ҳақиги нарсани келтириб беришди-да, ўзлари ўша ерда қолдишади...

Сўнг юқоридаги воқеа содир бўлиб, Собир қочади.

Орадан кўп ўтмай, 1973 йил 10 апрелда ўтар кечаси соат учларда 2-«Патилетка» кўчасидаги 3-уйнинг дарвозаси фахқуллада каттиқ тақиллаб бошлади. Шу уйда яшовчи Ах-

мадбек уйқудан қўчиб ўйғонди ва секин ташқарига қўлоқ солди. Кимдир дарвозани тепкилаб бақирарди: — Кўчага чиқ, сен билан эркек-часига гаплашамиз!

Ахмадбек қакрилмаган меҳмонларнинг кимлигини билмоқ учун ўли Нодир билан дарвоза устига қурилган болхонага чиқди. Дарвоза олдида бир қўлида пичоқ, бир қўлида калта лом тутган Собир Турсунов турарди. Бошқа бир янгит эса дарвоза тирқишига ёпишиб, ичкарига мўралади. Бироздан сўнг Турсунов шериги билан нарида турган машинани томон юрди. Юмапоклаб ўралган латтага бензин секиб ёндирди-да, дарвозага келтириб қалади.

Лекин, бу жиноят ҳам Собирга камдай туюлди. 29 апрелга ўтар кечаси соат уч яримларда у тагин ўша дарвоза ёнида пайдо бўлди. Бу сафар эшикни тақиллатиб юрмади. Ҳаммангнинг қаттиқ уйқуда ётганлигидан фойдаланиб, астагина болхонага кўтарилди. Томинг бўғотларига ва ёғочларига бензин секиб, ўт қўйди.

Худоберлар оиласи ваҳима билан ўриндан туришди. Уларнинг бақирчи ва қиқирчиқларидан кўн-қўшчилар ҳам уйғонишди. Одамларнинг ердами билан ёш болаларини қутқариб қолди. Уни ўчиришнинг иложи бўлмади. Ахмадбекларнинг уйи ҳам, ён қўшниси-нинг уйи ҳам бутунлай ёниб қул бўлди...


Бу Собир Турсуновнинг биринчи ёки иккинчи безовилиги эмас эди. У олдин ҳам икки марта қамалиб чиққан эди. Бирок, бу жазолардан у тўғри хулоса чиқариб олмади. Аксинча жиноят ботқоғига баттароқ ботиб кетаверди. Унинг қабиллиги билан тинч хонадонларга байрон бўлди, неча-неча кишиларнинг ороми йўқолди.

Энди унга шафқат йўқ: Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари судлов коллегияси Собир Турсуновни 15 йил озодлиқдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди. Жазонинг ўн йиллини у қаттиқ режим ўрнатилган алоқ тузатиш колониясида, беш йиллини эса турмада ўтанди. Раҳима Холиқова эса уч йил озодлиқдан маҳрум этилди.

Лекин, бу билан иш ҳали тўла тугани йўқ. Собир ва Раҳималарнинг шериклари жазодан четда юришибди. Уларнинг «компанияси» фаш этилганда, Собирга қурол туқказган, машина бериб қўйган, ҳар «адамда» ҳамтовоқ бўлган, қилмишларини яшириб келган бошқа шахсларини ҳам тумшугидан илтириб, эл-юрт олдида жазосини бериш керак.

Ах холда яшириниб қолган «эзо» пекчилар ана гўлаб кетиши мумкин.

А. ОСМОНОВ, М. ЗАХАРОВ.



ТОҒ ИҶЛИДАН

А. Абалая фототўюди.

АЛЛО, ТОШКЕНТ?

Яқин кўнларда Бўка, Писент, Оқдўрғон ва бошқа пахтакор районларнинг меҳнатчилари автомат-телефон станцияси орқали Тошкентдаги ёрушдустлари билан гаплашиб илтиришга эга бўладилар.

Ҳозиргача областиимизда 12 та алоқа станцияси бўлиб, улар фақатгина шаҳарлараро телефон станцияси орқали марказга боғланади. Яқин кўнлар ичида тўғри телефон-автомат орқали Тошкент билан гаплашиб илтириш яратилади.

Областиимизнинг район марказларида ва бошқа пахтакор районларнинг меҳнатчилари автомат-телефон станцияси орқали Тошкентдаги ёрушдустлари билан гаплашиб илтиришга эга бўладилар. Қўнраи поселансидан янги АТС қурилиши тезлаштириб юборилди. Минг номерли бу телефон станцияси йил охирида ишга туширилади.